

Инглиз Тилида “Poison-Захар” Концептининг Семантик Хусусиятлари

Шокиров Шерали Иброҳимович¹, Юсупова Сабоҳатхон Аъзамжоновна²,
Бўриева Озода Ботиржон қизи³

Аннотация: Мақола инглиз тилида “poison-захар” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишиланган бўлиб, унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: Захар, синтагматика, парадигматика, лексик-семантик майдон, ретсептор, полисемантик, интенсивлик, сема.

Тилшуносликнинг замонавий ривожланиш босқичи ва унинг манфаатлари доираси сезиларли даражада кенгайиши билан тавсифланади. Тилнинг табиатини фақат инсон ва унинг олами асосида англаш мумкин. Шу билан бир қатор сўнгги тадқиқотларда лингвистик муаммолар онг, тафаккур ва инсоннинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилмоқда. Инсонда атроф-мухитдаги реал дунёни билиши, нарса ва ҳодисаларни таниши (тушуниш ва ушлаб кўриш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади.

Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчалари шаклланади. Инсон - мия ҳамкорлигига ҳосил бўладиган туйғуни, ўзини ўраб турган борлиқнинг ҳис этади. Тилшунослиқда ҳодисаларнинг систематик табиати ҳақидаги ғоя, хусусан, синтагматик ва парадигматик тамойилларга асосланган лексик майдонлар назариясида акс этади [1. 1999. 896 с.].

Атрофдаги дунё ҳақидаги маълумотлар турли хил энергия шаклида бўлади: кўриш - ёруғлик, эшитиш ва тегиниш - механик, таъм ва ҳид - кимёвий. Миянинг ишлиши учун уларни электр энергиясига айлантириш керак, бу эса ретсепторлар туфайли амалга оширилади. Ҳар бир сезги органидаги ретсепторлар энергия турига қараб ихтисослашган.

Инглиз тиллари изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар “poison” лексемаси полисемантик хусусиятга эга эканлиги ва улар алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ва фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам турли-туман маъноларни касб этишлари мумкинлигини кўрсатди. Бу ҳол “poison” лексемаси билан боғлиқ қатор маънолар орасида улардан қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда луғатларда рўйхатга олинган “poison” ва у билан боғлиқ морфологик ва синтактик тузилишга эга бирликларни маъновий нуқтаи назардан таҳлил этишни лозим деб топдик.

Инглиз тилидаги “poison” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги ҳалқаро луғати” (Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Könemann, 1993) да от сўз туркумига кирувчи “poison” сўзи ўрта асрлар инглиз тилида “poisoun, poison”, қадимги француз тилда “poison drink, philter, poisonous drink, poison”, лотин тилида “potion-potio drink, potus, potare” сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси “*a substance (as a drug) that in suitable quantities has properties harmful or fatal to an organism when it is brought into contact with or absorbed by the organism*” (тегишли микдорда организм билан алоқа қилганда ёки сўрилганда организм учун зарарли ёки ўлимга олиб келадиган хусусиятларга эга бўлган модда) эканлиги ёзилган⁴. “Poison”

¹ АДУ профессори

² катта ўқитувчи

³ магистр Фарғона давлат университети

⁴ Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Könemann, 1993 [P. 2343]



сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуийдагича аниқладик:[5. Р. 1751]:

- кимёвий таъсир қилувчи модда, организмни ўлдиради, шикастлайди ёки бузади (*strychnine, carbon monoxide, and other*);
- муваффакият, фаровонлик ёки бошқа қувончли воеалар учун ҳалокатли ёки заарли нарса; *They were generally considered box office poison (Edith Isaacs); They are plain political poison (J.T.Norman)*;
- тараққиёт, фаолият ёки фаровонликни бузадиган, халақит берадиган нарса; *Her life was ruined by the poison of lying gossip (J.T.Norman)*;
- нарсаларни булғанган, бузилган, чириган ёки бузук бўлишига олиб келадиган нарса; *The poison of bad example (ёмон гапнинг захри ёмон)*;
- жирканч ёки кўнгил айнадиган нарса; *Most stage juveniles, especially in musicals, are pure poison (John Mason Brown)*;
- бирор нарсани ўз диди ёки мойиллигига мутлақо зидги, нафрат, бирор нарсадан қочиш; *Diversions of that kind were pure poison to him (John Galsworthy. Apple Tree and other stories)*;
- спиртли ичимликлар; таркибида кучли таъмга эга суюкли;
- баъзи моддалага қўшилганда фаоллигини ёки реакциясини кучайтирувчи модда; (*catalytic action, fluorescence, thermionic emission, nuclear fission; A catalyst poison, Fission poisons*);
- заҳарли майдон ёки заҳарли жой;

Юқоридаги маънолардан ташқари “poison-захар” лексемасини инвариант маъноларини хам кўриб чиқиши лозим топдик.

- заҳар бериш, заҳар ёрдамида ўлдириш ёки шикастлаш; *She was accused of poisoning her husband (John Galsworthy. Apple Tree and other stories)*
- заҳарни устига ёки ичига қўйиш; *poisoning an arrow, poisoned the water*;
- буғли заҳар, юқтириш ёки сингдириш; *Poisoned the air with its fumes (John Galsworthy. Apple Tree and other stories); even such harmless pleasures were poisoned with suspicion (Virginia Woolf)*;
- маҳсулотлар арашлашмасидан пайдо бўлган ғайритабиий заҳар; *Blood that has been poisoned by infection*;
- онгини заҳарлаш, хулқини заҳарлаш, урф-одатларини бузиш; *Poisoning minds with evil propaganda*
- ёмон муносабатда бўлиш; *Malicious tales of that kind poisoned nearly everyone against him (John Galsworthy. Apple Tree and other stories)*;
- салбий таъсир кўрсатиш, заҳар билан йўқ қилишёки зарап етказишиж; *Aching in mind and body, poisoned with fatigue (Felix Riesen- berg)*;
- яроқсиз аҳволга олиб келиш; *Poisoned the soup with too much salt; Parts of it were so dry and poisoned with alkali dust that no life existed there (S.H.Adams)*;
- фаоллигини ошириш, рағбатлантириш; *This poison greatly increases the speed of the athlete than others (John Galsworthy. Apple Tree and other stories)*;
- Инсоннинг тилини заҳархандалиги ёки заҳарли зувон; *Talk about poisonous tongues (Dan Wickenden)*;
- мусибатли онларкилганда; *He felt poison mean that week (Fitz Farrell)*.

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна қуийдаги луғат маълумотларини қўшиш мумкин. А.С.Хоринбининг икки мингнингчи йил чоп этилган “oxford advanced learner*s dictionary of current english” луғатида берилишича[4: Р. 974-975]:

- тирик танага ютилса ёки сўрилса, ўлимга ёки зарап етказадиган модда: *Some mushrooms contain a deadly poison, o How did he die? Was it poison? (Fitz Farrell)*
- фикр, туйғу ва хоказо: *the poison of racial hatred*
- ёмон (жиддий) таъсир қилиш:
- •заҳарловчи (шахс, предмет, борликдаги табиат қонуни):



- бирорни заҳар бериб ўлдириш ёки унга зарар етказиш харакати:*The rats were controlled by poisoning* (Fitz Farrell).
- агар ҳайвон ёки ҳашарот чакса, ўлимга ёки касалликка олиб келувчи заҳар:*poisonous snakes or a tiny spider with a poisonous bite*
- душманларча ёки жуда ёқимсиз:*a poisonous person or the poisonous atmosphere in the office*
- ёқимсиз хат ёки қора хат:*poison pen letter*
- компания томонидан ўзлари истамаган таклифни олдини олиш ёки таъсирини камайтириш учун ишлатиладиган мудофаа шакли:*poison pill*.

Бундан ташқари, “poison” концептининг мазманий мавзу гурухларини, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. “Poison” архисемасига асосланган майдон миқёсини қўйидаги мазмун гурух (тўда)ларига ажратамиз:

1. оддий заҳарловчи фазилатлар: *Mind poison, poisoning groups, bad factors, toxic language, bad ideas, toxic thoughts;*
2. заҳар сифатларини тавсифлаш: *sharp, fast-acting, abnormal, unusual, simplified, complicated, incendiary, destroyer, destructive, explosive, influencer, perception, predilection, refinement, sapidity, savor sensibility;*
3. ифода этилмаган дифференциал жиҳатдан мураккаб заҳар турига квалификация қилиш(масалан, - ўткир (заҳарли ва оғриқни келтириб чиқарадиган хусусиятлар билан мураккаб):*afflicted with poison, devouring;*
4. паст интенсивликда заҳарланиш омиллари: *poisonous, apathy, aversion, blandness, coarseness, disgust, disinclination, dullness, hate, hatred, idleness, indelicacy, indiscrimination, insipidity, laziness, lethargy, lot salty, brackish, briny, piquant, pungent, racy, saline, salted, spicy, tangy.*
5. юқори интенсивликда заҳарланиш омиллари: *poisonous, apathy, aversion, blandness, coarseness, disgust, disinclination, dullness, hate, hatred, idleness, indelicacy, indiscrimination, insipidity, laziness, lethargy, lot salty, brackish, briny, piquant, pungent, racy, saline, salted, spicy, tangy.*

Юқоридагиларга асосланган ҳолда “*poison-заҳар*” лексемасига хос қўйидаги маъно турларини хос бўлиши мумкин деган холосага келдик:



“*Poison-захар*” архисемаси ва унинг маъно варианtlари турлича морфологик тузилишга эга бўлган лексик бирликлар (сада, қўшма, жуфт, ясама, қўшма-ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар) орқали намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари “*poison-захар*” семантикасини қўйидаги кўчма маъноларини ҳам луғатларда кузатдик.

- аччиқ бўлиш ва умуман номуносиб бўлмоқ;
- мақсад, орзу, ният маъносида ҳам келишини матнларда кузатдик: *What's your poison?* (*spoken, humorous*) *I like alcoholic drink* (William Somerset Maugham. *Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard*).



- йўқ қилиб ташлашс учун хам ишлатилади: *there was poisoned out and all rough fishes were destroyed (W. Va. Conservation Commission)*.
- бирон бир инсонди ёки хайвонди ўзгалар тамонидан номлаб олиниши: *poison bleu* (*хаққини манидиган, қора мушук, катта балиқ*).
- муайян заҳарга эга бўлган ноёб ўсимлик маъносини хам беришини гувоҳи бўлдик: *poison ivy*.
- бирор кишига берилганда жозибали кўринадиган, аммо тез орада ёқимсиз бўлиб қоладиган нарса; *a poisoned 'chalice. For example: He inherited a poisoned chalice when he took over the job as union leader* (*У касаба уюшма раҳбари сифатида иши бошлаганида яхши шилаганди, кегинчалик ўзига мерос қилиб олди ушибу касбни*).
- юракни безовта қилувчи мой ёки Япон Лаки: *poison sumac*:
- тамаки маҳсулотида мавжуд бўлган заҳарли хид, таъм-маза: *poison tobacco*:
- тоғ ўтларидан тайёрланадиган вино (заҳарлаш учун): *poison vine-poison ivy*:

Шу билан бирга, идрокнинг таркибий қисми сифатида “poison-захар” категориясини ифода этишнинг лексик ва семантик воситаларининг бойлиги билан “poison” концептини идрок этиш субъектив табиати ва дидни баҳолаши туфайли зиён нарсаларни идрок этиш субъекти анча қашшоқлашади. “Poison-захар” туйгусини тавсифлашда сифат, интенсивлик, ижтимоий белгилар, идрокнинг эмоционаллик даражаси ва бошқалар кўлланилади.

Масалан: *The trend of serving chicken livers rare is exposing the public to the risk of food poisoning, research suggests. [TIMES, SUNDAY TIMES (2016)]*

“Poison-захар” категориясини оғзаки баён қилишда предикат, предмет ва субъектнинг ўзига хос лексик-семантик намойишлари диктум ва модус таркибий қисмларида лексик, семантик-сintaktik ва грамматик шаклларда ифодаланади.

“Poison-захар” семасига эга бўлган лексема *hemlock* ёки *parsley* каби сўзлар билан кўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб, биринчи маъноси “Европа ва африкада ўсадиган фанда заҳарлиги исботланган ўт бўлса”, иккинчи маъноси “Вайсаганлари билан бир мевасиз дараҳтдир” каби метафорик моделлар ҳосил қиласи. *M: A few, such as poison hemlock berries, are poisonous?* (*гемлок мевалари барчаси заҳарли бўлади*); *Everyone says he speaks a lot but does not fulfill any of his promises, some nicknamed him poison parise.* (*Ҳамма уни қўй гапиради лекин бирорта вадасини бажармайди, вайсаганлари билан бир мевасиз дараҳтдир дейди*).

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда хам учратиш мумкин: *A pot of milk is ruined by a drop of poison.; One man's meat is another's poison/-* (*бир томчи заҳар ҳам бир қазон сутни заҳарлайди., бирорни рисқини бирор ея олмайди*) мақолида эса “томчи заҳар ёки бирор” сўзлари метафорик модел сифтида кўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “poison-захар” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташки дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажараояпти.

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “poison-захар” сўз-инсон хаётидаги метонимик моделларда ҳам қўлланилади. Масалан: *distribution-* сўзи билан бирикиб “статистик маълумот ёки хаётдаги катта-кичик синовлар” таржимасида келади. *M: The Poisson distribution probability mass function can also be used in other fixed intervals such as volume, area, distance, etc. A Poisson random variable will relatively describe a phenomenon if there are few successes over many trials. The Poisson distribution is used as a limiting case of the binomial distribution when the trials are large indefinitely.*

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, “poison-захар” таққослаш орқали мазмуни аниқланган баъзи бир фазилатлар ва интенсивлик



таъм сезишининг чегараланиши ва белгиланиши асосида етакчи таснифлаш хусусиятларига эга. У лисоний тадқикот учун объект сифатида хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. славянской культуры, 2001. 864с.
3. Ўзбек тилининг ИЗОХЛИ ЛУФАТИ. А.Мадвалиев. 5- том “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашрётиб Тошкент – 2004.
4. Hornby A.S.OXFORD Advanced Learner*s dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -1330-1331.
5. Webster's third international dictionary of the English language. Könemann.1993.P. -2343.
6. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). - филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
7. А.Собиров. Ўзбек тилининг лексик сатхини системалар системаси тамойили асосида тадкиқ этиш.- Т.Маънавият.2004.
8. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - М.: Изд-волит. наиностр.яз, 1961
9. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. – М.: Менеджер, 2000.
10. A'zamjonovna, Y. S., & Murotovna, K. M. (2023). Second Language Acquisition. *Miasto Przyszłości*, 31, 5-8.
11. Юсупова, С. А. (2023). НЕКОТОРЫЕ ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ АНГЛИЙСКИХ АНЕКДОТОВ. *Journal of new century innovations*, 12(4), 38-40.
12. A'zamjonovna, Y. S. (2023). KOGNITIV LINGVISTIKADA KONSEPT TUSHUNCHASI. *Journal of new century innovations*, 12(4), 43-48.
13. A'zamjonovna, Y. S. (2023). PHRASEOLOGICAL ISSUES IN MODERN LINGUISTICS. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 158-161.
14. A'zamjonovna, Y. S., & Xurshidaxon, A. (2022, December). INGLIZ TILIDA SO'Z YASALISH USULLARI (MORFOLOGIK USUL, SEMANTIK USUL, KOMPOZITSION USUL). In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 3, pp. 303-306).
15. Yusupova, S. A. Z., Sayfidinova, A. T., & Rajabova, N. R. (2022). PLAGIARISM: ADDICTION OR A NEW SOURCE TYPE?. *THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD*, 1(3), 150-155.

